

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартриш ёки тўхтатиш;
- газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз улааниш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоғидан узиб қўйиш;
- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қондалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;
- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;
- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;
- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилгунинга қадар аввалдан огоҳлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

7.3. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва ҳисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.
- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;
- газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;
- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;
- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз улаанишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;
- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛПХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг улаанишига йўл қўймаслик;
- газ етказиб берувчи вакиллари ва "Ўзнефгазспекция" ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини қўнинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришни таъминлаш;
- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамда) бартараф этиш;
- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўқсинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасддан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

таъминоти ташкилоти вақли бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташқи таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда— ташқи таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бирок даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланмаган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТҲНАТ (АСКУТ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТҲНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса — газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирмасдан истеъмолчи томонидан қўшимча газ қурилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ аниқомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантурувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида) - бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмининг пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг мезбёрий-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб берилмаган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса — экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки ҳисобга олиш прибордан газ сизиб чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичда Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек қорхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишини таъминлаш шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўриқ ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекан даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z Dst 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).